

## ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ ТИЗИМИДА ТИББИЙ ХИЗМАТЛАР ИЖРОЧИСИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

**Жуманов Зафар Сатторович**

Ўзбекистон Республикаси ИИБ МОМБ Махсус тайёргарлик ўқув  
маркази бошлиғи

### **Аннотация**

ишда тиббий хизматлар кўрсатиш соҳасида шифокорларнинг ва беморларнинг ўзаро вазифалари ҳамда мажбуриятларини белгилаш бўйича тажрибалар ўрганилган, таҳлил қилинган. Ички ишлар вазирлиги тизимида тиббий хизматлар ижрочисининг зиммасига юклатилган мажбуриятлари келтириб ўтилган.

**Калит сўзлар:** тиббий ёрдам, пациент, тиббий ҳуқуқ, шифокор мажбурияти, тиббий хизмат.

Тиббий хизматларни кўрсатувчи ижрочининг мажбуриятлари биринчи навбатда беморнинг юқори сифатли, малакали, профессионал тиббий ёрдам олиш ҳуқуқи билан бевосита боғлиқ ҳисобланади. Сифатли хизмат – бу фуқароларнинг соғлиғини сақлаш ҳуқуқига риоя қилиш ва таъминлаш кафолатидир. Ўз навбатида, бу ҳуқуқ ижрочининг сифатли тиббий хизмат кўрсатиш мажбуриятларини ҳам келтириб чиқаради [1].

Ички ишлар вазирли тизимидаги соғлиқни сақлаш муассасалари ва уларда фаолият кўрсатувчи шифокорлар беморнинг сифатли тиббий ёрдам олиш ҳуқуқларини ҳурмат қилиш ва амалда таъминлаш учун ўз фаолиятларини қонунчиликда белгиланган талаблар (шу жумладан, техник ва малака талаблари)га жавоб берадиган даражада амалга оширишлари, шунингдек, пациент учун қулай, ишончли ва шахсий ўзаро муносабатларни ўрнатишга интилишлари лозим.

Шу билан бирга, бундай фаолият ҳуқуқий маданият, шунингдек демократик ҳуқуқий давлатга асосланган эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш ҳамда тиббий технологияларни ривожлантириш сари янгиланиб бораётган муайян мезон ва сифат стандартларига жавоб бериши зарур [2].

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 704-моддасида ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасида назарда тутилган хизматларни ижрочининг шахсан ўзи бажариши лозимлиги белгиланган бўлиб, мазкур қоида тиббий хизматлар кўрсатиш соҳасига ҳам тааллуқли ҳисобланади ва ушбу хизматларни кўрсатиш ҳам шахсий хусусиятга эгадир [3].

Бундан келиб чиқадики, ижрочининг касбий фазилатлари, сифатли хизмат кўрсатиши, малака фаолияти ҳуқуқий аҳамиятга эга. Бу борада касбий фазилатларга қўйиладиган талаблар давлат қонунчилигида белгиланган, аммо уларни ҳисобга олиш фуқаролик-

хукукий йўналишдаги ишда ҳам талаб қилинади, чунки ушбу талабларга риоя қилмаслик фуқаролик жавобгарликнинг юзага келишига асос бўлиб ҳисобланади.

Аслида, тиббий хизматлар фақат хусусий хизматлардан иборат бўлиши мумкин эмас. Масалан, тиббий ёрдам кўрсатиш тартиби оммавий ҳуқуқнинг императив нормалари асосида ҳам белгиланган.

Тиббий хизмат кўрсатувчи провайдернинг ҳуқуқий мақоми мураккабдир, чунки у давлат ҳуқуқи ва хусусий ҳуқуқ компонентларини ўз ичига олади. Ўрта аср тиббиёт вакиллари Абу Бакр ар Рози, Ибн-Сино, Гиппократ, Парацельслар шунингдек, рус олимлари В.В.Кулаков, А.В. Тихомиров, Ю.Данилочкина, А.А.Сироткина, Е.С.Салыгина, А.М. Рабец Ф.А.Вайтовалар ҳам бу хусусда тўхталиб ўз фикр ва мулоҳазаларини билдириб ўтишган.

Тиббий хизматларнинг тўғри сифатига эришиш икки йўл билан бўлиши мумкин: биринчидан, лицензиялаш, аккредитация қилиш кабилар орқали ҳамда ижрочиға қўйиладиган талабларни қонунчиликда белгилаш орқали; иккинчидан, шифокор фаолиятига нисбатан талабларни белгилаш орқали.

Ижрочиларнинг малакасиға қўйиладиган талаблар лицензиялаш йўли билан ҳам, тиббий ёрдам кўрсатиш тартибини белгилаш орқали ҳам белгиланади. Бундан ташқари, тиббий муассасада тегишли малакали шифокорлар бўлиши керак.

Фикримизча айтиш мумкинки, лицензия даъвогарларига қўйиладиган умумий талаб тиббий фаолиятнинг ички сифати ва хавфсизлиги назоратининг мавжудлиги ҳисобланади. Шу билан бирга, лицензия талабларининг давлат томонидан бажарилишини назорат қилиш тизими ҳам зарур.

Таъкидлаш жоизки, тиббий хизмат кўрсатиш мажбуриятини бажариш умумий қоидаларға, шу жумладан тегишли сифатға боғлиқ. Шу билан бирга, тиббий хизматнинг номоддий хусусияти, объекти инсон танаси бўлган хизматнинг муҳим хусусиятлари, соғлиқни сақлаш ҳолати бўлган номоддий неъмат сифатида уни тегишли ёки номувофиқ деб таснифлашни қийинлаштиради. Бундай ҳолатда муаммо янада мураккаблашади, чунки Фуқаролик кодексининг 703-моддаси тиббий хизматларни ҳам бевосита тартибға солади. Чунончи, мазкур модда мазмуни маълум бир натижаға эришиш заруриятини назарда тутмайди, яъни қонун чиқарувчи ушбу фаолиятнинг ўзи мижоз учун ҳуқуқий аҳамиятға эға, деб ҳисоблайди. Бироқ, бу мутлақо тўғри эмас. Ҳар қандай хизматни кўрсатиш учун шартнома тузишда, субъект тиббий хизматларда бўлгани каби маълум бир самараға эришишни назарда тутади – даволаниш, тикланиш, ҳолат ёки азоб-уқубатларни енгиллаштириш ва ҳоказо. Бироқ, қонун мантиғига асосланиб, тиббий хизматнинг ушбу ижтимоий-иқтисодий самараси ҳеч қандай ҳуқуқий аҳамиятға эға эмас.

Юқорида таъкидлаб ўтилганлар тиббий хизматнинг хавфли хусусиятини кўрсатади. Бундан иккита асосий хулоса келиб чиқади: биринчидан, хизмат кўрсатиш натижасига

эришмаслик хавфи, агар ижрочи ҳаракатларни тўғри бажарган бўлса, натижа мижозга боғлиқ, иккинчидан, ушбу ҳаракатларни ҳисобга олиш имконини берадиган мезонларни аниқлаш керак.

Тиббий хизматлар сифати мезонлари номоддий характерга эга бўлганлиги сабабли хизматлар сифатига қўйиладиган талабларни белгилаш сифатни баҳолашни қийинлаштиради.

В.В.Кулаков хизматлар кўрсатиш мажбуриятини тўғри бажаришга ёрдам берадиган қуйидаги омилларни ажратиб кўрсатади:

биринчидан, ижрочиға қўйиладиган талабларни белгилаш (лицензиялаш, аккредитация, жавобгарликни суғурталаш ва бошқалар);

иккинчидан, ижрочи фаолияти билан боғлиқ барча жараёнларни ва хизмат кўрсатиш мижозининг ҳамкорлигини нисбатан тўлиқ даражада тартибга солиш (хулқ-атвор ҳаракатларининг алгоритми);

учинчидан, объект шахс (талаба, бемор, турист ва бошқалар) бўлган хизматларга нисбатан, айниқса муҳим бўлган хизматлар хавфсизлигига қўйиладиган талабларни белгилаш.

Бундан ташқари, санитария-эпидемиология меъёрлари, шунингдек, хавфсизлик стандартларига риоя қилиш тиббий хизмат сифати билан узвий боғлиқдир. Ушбу контекстда хавфсизлик стандартларига риоя қилиш тиббий ташкилотлар ва шифокорларнинг фаолиятини англатади, турли тиббий асбоб-ускуналар ва аппаратларнинг доимий ва узлуксиз ишлашини таъминлаш, улардан фойдаланувчи ва операторларнинг юқори малакаси ва тайёргарлигини таъминлаш, шунингдек, сифатсиз тиббий хизматларни келтириб чиқариши мумкин бўлган хавф омилларини аниқлашга қаратилган. Ушбу пастулат кўриб чиқилган ҳуқуқий муносабатларнинг барча иштирокчилари учун деб тахмин қилади.

Хусусан, ижрочи беморнинг танасига тиббий аралашувнинг барча босқичлари ва элементлари учун тўлиқ жавобгарликни ўз зиммасига олади. Тиббиёт ходимларининг касбий маҳорати ва малакасини доимий равишда ошириш салбий оқибатлар хавфини камайитириши керак.

Умуман олганда, ижрочи беморнинг диний, этник ва лингвистик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда зарур маълумотларни тақдим этишга мажбурдир. Бундай маълумотларни олиш осон бўлиши керак, бюрократик тўсиқлар юклмаслиги керак. Ижрочи маълумотни иложи борица ишончли ва аниқ етказиш учун тегишли касбий тайёргарликка эга бўлиши керак.

Шунга кўра, тиббий хизмат кўрсатиш мажбурияти касбий билимга эга бўлган шахслар томонидан амалга ошириладиган, беморнинг эҳтиёжларини қондиришга қаратилган ва уни соғломлаштиришга қаратилган, қопланадиган шартнома характери билан тавсифланган ҳаракатлар ёки ҳаракатлар (фаолиятлар) мажмуи сифатида белгиланади.

Ю.Данилочкина эса тиббий хизмат кўрсатувчи провайдерлар махсус субъектлардир. Амалдаги қонунчиликка кўра, тиббий ташкилотлар ҳам, хусусий амалиёт шифокорлари ҳам шундай фаолият юритиши мумкин. Шу билан бирга, тиббий ёрдамнинг алоҳида ижтимоий йўналтирилган (унинг кўрсатилиши, биринчи навбатда фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғини сақлашга қаратилган), унга тадбиркорлик фаолияти тўғрисидаги қоидаларни қўллашни мақсадга мувофиқ эмас. Шу муносабат билан тиббий фаолиятни амалга ошириш учун энг мақбул ташкилий-ҳуқуқий шакл нотижорат ташкилот шакли ҳисобланади, деган фикрни илгари суради.

Бу фикр биров баҳсли бўлиб, бугунги кунда истеъмолчиларнинг талабидан келиб чиққан ҳолда тижоратчи ташкилотлар ҳам тиббий хизмат кўрсатиши ўзини оқлаб келмоқда.

Ижрочининг яна бир мажбурияти кўрсатиладиган хизматлар турлари ва ҳажми тўғрисида маълумот беришдир. Бундай маълумотлар жуда муҳим, чунки тиббий хизматлар кўрсатишнинг асосий предмети бўлиб ҳисобланади.

Шуни таъкидлаш керакки, тиббий хизмат ҳар доим индивидуалдир ва кўпинча унинг ҳажми ва турларини дарҳол аниқлаш мумкин эмас, чунки тегишли диагностика, таҳлилларни тўплаш кабилар муайян вақтни талаб қилади. Бу борада А.А.Сироткинанинг нуқтаи-назарига кўра, “Тиббий хизматлар кўрсатиш шартномаси предметининг ўзига хос хусусияти унинг муайян чекланган ҳаракатлар доирасига туширилмаслигидир. Ҳеч бир шифокор нафақат даволаш натижасини, балки тиббий ҳаракатлар кўламини ҳам тўлиқ кафолатлай олмайди. Бир ҳолатда пневмонияни даволаш усуллари ва услубларини танлаш бошқа ҳолатда танлашдан тубдан фарқ қилиши мумкин”. Е.С.Салыгина шу муносабат билан тан олади: “Беморни режалаштирилган тиббий хизматларнинг ҳажми ва турлари тўғрисида хабардор қилиш ва уларни амалга оширишга фуқаролик-ҳуқуқий нуқтаи назардан розилик олиш механизми ушбу параметрларни истеъмолчи (бемор)нинг тиббий картасига белгилаш бўлиши мумкин”.

Ижрочининг навбатдаги мажбурияти беморни тиббий хизматлар кўрсатиш муддати ҳақида хабардор қилишдир. Бироқ, А.М. Рабец тўғри таъкидлаганидек, “касалликнинг оғирлиги, беморнинг шифокор кўрсатмаларига риоя қилмаслиги кабилар туфайли буни ҳар доим ҳам амалга ошириб бўлмайди. Бундан ташқари, хизмат кўрсатиш шартларига риоя қилмаслик беморнинг зарур диагностика тадбирларини ўтказмаганлиги, кейинги муолажага тайёрланмаганлиги, даволовчи шифокорга ўзи ҳақида керакли маълумотларни тақдим этмаганлиги сабабли юзага келиши мумкин. Масалан, ўтмишдаги касалликлар, антибиотикларга реакциялар ва бошқалар ҳақида.

Ижрочининг беморга кўрсатиладиган тиббий хизматларнинг моҳияти тўғрисида хабардор қилиш мажбурияти беморнинг қонунда кўрсатилган розилик ҳуқуқи билан боғлиқ. Ушбу ҳуқуқнинг моҳияти шундан иборатки, тиббий ташкилотлар ва хусусий

амалиёт шифокорлари беморга даволаниш усули, бўлажак операциянинг хусусиятлари ва ўзига хос ҳолатлари, шунингдек, мумкин бўлган хавфлар, операция пайтида ва ундан кейин юзага келадиган ноқулайликлар, тегишли ҳаракатлар, ножўя таъсирлар ва тавсия этилган даволашнинг жорий муқобиллари тўғрисида барча зарур маълумотларни тақдим этишлари шарт. Бундай маълумотни тақдим этиш беморнинг барча хавфларни баҳолаш, мустақил ва холис мутахассислар билан маслаҳатлашиш имкониятига эга бўлиши учун олдиндан амалга оширилиши керак, яъни, соғлиқингизнинг ҳозирги ҳолатидан келиб чиққан ҳолда даволаш усулини танлашда фаол иштирок этишини кафолатлаб бериш лозим.

Хорижий тажрибани таҳлил этиш шуни кўрсатадики, Халқаро тиббий ахлоқ кодекси 1949 йил октябрь ойида Женева шаҳрида Жаҳон Тиббиёт Ассоциациясининг 3-Бош ассамблеяси томонидан қабул қилинган ҳамда

1968 йил август ойида Австралиянинг Сидней шаҳрида бўлиб ўтган

22-Жаҳон Тиббиёт Ассамблеяси 1983 йил октябрь ойида Италиянинг Венеция шаҳрида

35-Жаҳон Тиббиёт Ассамблеяси томонидан тўлдирилган. Ушбу Кодекснинг қоидалари ўз касбий функцияларини бажарувчи шифокорлар, шунингдек, шифокорни вақтинча алмаштирган ёки шифокорга ёрдам кўрсатувчи олий тиббиёт таълим муассасалари талабалари учун мажбурийдир.

Мазкур кодексда шифокорнинг мажбуриятлари 3 та бўлимга ажратиб кўрсатилади. Хусусан, ушбу мажбуриятлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- шифокорнинг умумий мажбуриятлари;
- шифокорнинг бемор олдидаги мажбуриятлари;
- шифокорнинг бир-бирига нисбатан мажбуриятлари.

Ушбу халқаро ҳужжатда шифокорларнинг умумий мажбуриятлари сифатида қуйидагилар белгиланади:

- ҳар доим энг юқори профессионал стандартларни сақлаб қолиши;
- касбий қарор қабул қилишда шифокор ўзининг моддий манфаатларини эмас, балки бемор учун фойдали бўлган қарорни қабул қилиши;
- беморнинг инсоний кадр-қиммати, меҳр-оқибат ва ҳурматни биринчи ўринга қўйиши ҳамда тиббий ёрдамнинг барча жабҳалари учун тўлиқ жавобгар бўлиши;
- шифокор бемор ва ҳамкасблар билан ўзаро муносабатларда ҳалол бўлиши;
- шифокор беморнинг, ҳамкасбларининг, бошқа тиббиёт ходимларининг ҳуқуқларини ҳурмат қилиши, шунингдек тиббий сирни сақлаши;
- шифокор беморнинг жисмоний ёки руҳий ҳолатини ёмонлаштириши мумкин бўлган аралашувни фақат унинг манфаатларини кўзлаб амалга ошириши;
- шифокор непрофессионал каналлар орқали кашфиётлар, янги технологиялар ва даволаш усуллари ҳақида маълумот беришда эҳтиёткорона муносабатда бўлиши;
- шифокор фақат ўзи тасдиқлаган нарсани эътироф этиши лозим.

Шифокорнинг бемор олдидаги мажбуриятларига эса қуйидагилар киритилган:

- беморнинг саломатлиги ва ҳаётини сақлаб қолиш учун шифокор ўзининг барча касбий имкониятларини ишга солиши, агар зарур текширув ёки даволаниш шифокорнинг имкониятлари даражасидан ташқарида бўлса,
- у ҳолда кўпроқ ваколатли ҳамкасбларга мурожаат қилиши керак;
- беморнинг ўлими шифокорни тиббий сирни сақлаш мажбуриятидан озод қилмайди;
- шошилишч тиббий ёрдам кўрсатиш шифокорнинг инсоний бурчидир.

Шифокорнинг бир-бирига нисбатан мажбуриятлари сирасига:

- ўз ҳамкасбларига нисбатан шифокор ўзини қандай тутишини хоҳласа, худди шундай йўл тутиши зарур;
- шифокор ўз ҳамкасбларидан беморларни браконьерлик қилмаслиги лозим;
- шифокор Жаҳон Тиббиёт Ассоциацияси томонидан тасдиқланган Женева декларациясининг тамойилларига риоя қилиши шарт.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, Халқаро тиббий ахлоқ кодекси қоидаларига кўра, қуйидагилар тиббий этика нормаларига мос келмайди:

- а) ўзини ўзи реклама қилиш, агар бу мамлакат қонунларида ва Миллий тиббиёт ассоциациясининг ахлоқ кодексида алоҳида назарда тутилмаган бўлса.
- б) шифокор томонидан беморни унга юборганлик учун комиссия тўлаши ёки беморни маълум бир тиббий муассасага, мутахассисга юбориш ёки етарли тиббий асосларсиз муайян даволаниш турини тайинлаш учун ҳар қандай манбадан тўлов ёки бошқа ҳақ олиш.

Мазкур халқаро ҳужжат асосида Россия Федерацияси врачининг касбий этикаси кодекси Россия Федерацияси врачларининг биринчи миллий конгрессида (Москва, 2012 йил 5 октябрь) қабул қилинган. Шунингдек, Шифокорнинг касбий этикаси кодекси (Франция), Яхши тиббий амалиёт бўйича кўрсатмалар (Буюк Британия), Германияда ишлаётган шифокорларнинг касбий ахлоқ кодекси, Тиббий суғурта тизимида шифокорларнинг хатти-ҳаракатларини тартибга солиш (Нидерландия), Тиббий ахлоқ кодекси (Беларусь), Соғлиқни сақлаш ходимларининг ахлоқ кодекси (Қозғистон) кабилар кўпгина давлатларда қабул қилинган.

Мазкур давлатларнинг кодексларида тиббиёт шифокорларининг ўз касбий функцияларини бажаришдаги мажбуриятлари ўз аксини топганлигини кўриш мумкин. Таҳлилларга кўра, номи юқорида қайд этилган давлатларнинг кодексларидаги шифокор мажбурияти билан боғлиқ нормалар Халқаро тиббий ахлоқ кодексининг умумий қоидаларидан келиб чиқиб кенгайтирилган тарзда баён этилганлигини кузатиш мумкин. Алоҳида таъкидлаш жоизки, мазкур мажбуриятлар ички ишлар органлари тиббиёт муассасаларида фаолият юритаётган тиббий хизматларнинг ижрочилари бўлган шифокорларга ҳам татбиқ этилади.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб, ички ишлар органлари тизимида фаолият олиб бораётган тиббий хизмат кўрсатувчи ижрочининг мажбуриятларини бажариш ёки лозим даражада бажаришлари учун, назаримизда, қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш зарур:

Биринчидан, ички ишлар идоралари тизимидаги тиббий хизмат кўрсатувчи муассасаларда пациентларнинг соғлиқни сақлаш сифатидан қониққанлигини баҳолаш механизмларини жорий этиш, кўрсатиладиган хизматлар сифатини, шу жумладан тиббиёт ходимлари фаолиятини баҳолаш механизмларини ахборот технологиялари орқали амалга оширишни жорий этиш;

Иккинчидан, тиббий хизматлар кўрсатиш бўйича ҳаракатлар, яъни шифокор (тиббий муассаса) томонидан маълум ҳаракатларни амалга ошириш яъни, профилактика, диагностика, даволаш, реабилитация бўйича тиббий хизматлар очик электрон платформасини ташкил этиш;

учинчидан, пациентнинг соғлиғи тўғрисида очик, ўз вақтида, ҳаққоний ва тўлиқ маълумот бериб бориш;

Тўртинчидан, пациентларнинг ҳуқуқларини амалга оширишда ижрочининг зиммасидаги мажбуриятлар мезонини, шу жумладан тиббиёт ходимининг этика қоидаларини ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга татбиқ этиш.

Хулоса қилиб айтганда, ички ишлар органлари тизимидаги тиббий муассасаларда тиббий хизматларни тақдим этувчи ижрочилар биринчи навбатдаги асосий мажбуриятлари юқори даражада касбий маҳоратга эга бўлишлари лозим. Шунингдек, мазкур мажбурият билан бирга тиббий хизмат кўрсатувчи шифокор қонунда белгиланган тартибда мутахассисликни тасдиқловчи ҳужжатлар (диплом, сертификат, гувоҳнома) ва муайян тиббий хизмат кўрсатиш бўйича лицензияга эга бўлиши, тиббиёт фаолиятида малакавий талабларга жавоб бериши, қонунда белгиланган тартиб ва муддатларда аттестациядан ўтиши, тиббий этика қоидаларига амал қилиши, тиббий санитария ва техника қоидаларига риоя қилиши, сифатли тиббий хизмат кўрсатиши лозимлиги билан боғлиқ мажбуриятларига эга зарур.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ломакина И.Г. Особенности гражданско-правовой ответственности по договору возмездного оказания медицинских услуг // Научные труды РАЮН: в 2 т. Т. 1. Вып. 12. – 2012. – С. 887–892;
2. Коробко К.И. Понятие, признаки, элементы договора на оказание медицинских услуг, заключаемого субъектами частной медицинской практики // Право и политика. – 2010. – № 9. – С. 1690-1696.
3. Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида: Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 29 августдаги 265-И-сонли қонуни // <https://lex.uz/docs/26013>.